

“ЎзРТХБ” АЖ

Бошқарув раисининг 2021 йил

“27” 12 даги 129 -сон

буйруғига 2-илова

**“ЎзРТХБ” АЖда монополияга қарши  
комплаенс тизимини жорий этиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “ЎзРТХБ” АЖда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**монополияга қарши курашиш органи** — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

**биржа** — “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамияти;  
**монополияга қарши комплаенс** — фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизими;

**монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобот** — рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишини ташкил этиш ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳужжат;

**ваколатли шахс** — монополияга қарши комплаенс тизими учун маъсул шахс;

3. Қуйидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уни бошқариш;

Биржада фаолиятини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

Биржанинг фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда раҳбарлар томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

Биржада монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича ходимларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

**II. Монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш**

4. Ваколатли шахс қуйидагиларни амалга оширади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини мониторинг қилиш;

фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қилиш (шу жумладан, рақобатни ва (ёки) истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга

қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказиш), аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш;

рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

монополияга қарши комплаенс тизимининг фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа тузилмавий бўлинмалар билан ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиш билан боғлиқ ички ўрганиш ишларини ташкил этиш;

монополияга қарши курашиш органи билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши бўйича ўзаро ахборот алмашиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “Йўл харитаси” ни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларни мониторинг қилиш, шунингдек, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритиш ва юзага келиш эҳтимолини белгилаш;

Биржанинг фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Биржа ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;

монополияга қарши комплаенс масалалари бўйича мунтазам равишда тренинглар ўтказиш;

Биржа томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганиш ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда раҳбарни хабардор қилиш;

ҳар йили биринчи февралга қадар монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни раҳбариятга тасдиқлаш учун тақдим этиш.

Ваколатли шахс бевосита Комплаенс назорат, коррупцияга қарши курашиш ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғига бўйсунди ва ҳисобдор бўлади.

### **III. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини аниқлаш**

5. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш мақсадида ваколатли шахс томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;

жорий этиладиган янги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари, лицензияларни, шунингдек, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ёки шартларни ҳамда техник тартибга солиш талабларининг жорий этилишини ўрганиш;

тендер ва биржа савдоларига қўйиладиган монополияга қарши талабларга амал қилинишини таҳлил қилиш;

аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини мониторинг ва таҳлил қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш;

вужудга келиш эҳтимоли бўлган монополияга қарши хавфларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини комплаенс-хавфлар харитаси кўринишида тузиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш.

Биржанинг фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳамда раҳбарият билан келишилган ҳолда монополияга қарши комплаенс тизимининг самарали ишлашига қаратилган бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга ошириш.

6. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш бўйича аниқланадиган хавфлар ваколатли шахс томонидан мазкур низомнинг иловасига мувофиқ даражалар бўйича тақсимланади.

7. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини таҳлил қилиш, аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

#### **IV. Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш**

8. Биржада монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш монополияга қарши курашиш органи томонидан ишлаб чиқилган методикага асосан ҳисоблаб борилади.

9. Ваколатли шахс Биржада монополияга қарши комплаенс тизимининг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолайди (йилда камида бир марта).

10. Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилганлиги тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

#### **V. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот**

11. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари ҳамда камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилгани ҳақидаги ахборот.

12. Биржа томонидан тасдиқланган монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисобот Биржанинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва уч иш куни ичида монополияга қарши курашиш органига юборилади.